

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ИЛМИЙ МАКТАБИ



**«МОЛИЯ-КРЕДИТ ТИЗИМИНИНГ
ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ
БИЛАН ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИНИ
ИНСТИТУЦИОНАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ»**

**мавзусидаги халқаро анъанавий
илмий-амалий конференция**

(2020 йил 10-11 июнь кунлари)

САМАРҚАНД – 2020

СОЛИҚ КОДЕКСИДАН АМАЛИЁТДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ахроров З.О. – таянч докторант

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон

Аннотация. Мақолада ҳозирги шароитда солиқ муносабатларини такомиллаштириш ва тартибга солиш масалалари инобатга олинган ҳолда унинг ҳуқуқий асоси бўлиши Солиқ кодексидаги айрим ноаниқликлар ва муаммолар кўриб чиқилган, мавжуд вазият таҳлил қилинган ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Солиқ, солиқ тизими, Солиқ кодекси, солиқ сиёсати, солиқ принципи.

Аннотация. В статье рассматриваются некоторые неопределенности и проблемы в Налоговом кодексе, который является его правовой основой, учитываются вопросы совершенствования и регулирования налоговых отношений в сложившейся ситуации, анализируется сложившаяся ситуация и разрабатываются предложения и рекомендации по их совершенствованию.

Ключевые слова: налог, налоговая система, Налоговый кодекс, налоговая политика, налоговый принцип.

Abstract. The article considers some uncertainties and problems in the Tax Code, which is its legal basis, takes into account the issues of improving and regulating tax relations in the current situation, analyzes the current situation and develops proposals and recommendations for their improvement.

Keywords: tax, tax system, Tax code, tax policy, tax principle.

Ҳар қандай молиявий муносабатларнинг тартибга солувчиси солиқларни жорий қилиш боғланади. Солиқларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштирмасдан туриб, бошқа молиявий категорияларни муваффақиятли ишласини таъминлаш мушкул.

2019 йилдан бошлаб жорий этилган Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини кўллашни кўзда тутган эди. Бу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш кўзда тутилди. Ушбу вазифаларни ҳисобга олган ҳолда жорий йилнинг 1 январ кунидан янги Солиқ кодексини амалиётга жорий этилди.

Солиқ тизимида солиқ муносабатларини тартибга солишда, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга хизмат қилиши кўзда тутилган мазкур Солиқ кодексини такомиллаштириш ўзининг долзарблигини намоён этди.

Таъкидланганидек, ушбу Кодекс солиқлар ва йиғимларни белгилаш, жорий этиш ва бекор қилишга, ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашга доир муносабатларни, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди [1]. Солиқ муносабатларини тартибга солиш вазифаси юкланган ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат солиқ қонунчилиги бўйича энг юқори турувчи ҳужжат ҳисобланади. Ушбу ҳужжатнинг аниқлиги ва мукамаллигини таъминлаш солиқ тўловчилар ва солиқ ундирувчилар фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Шундай экан, солиқ ундирувчилар ва солиқ тўловчилар маълум тушунчалар моҳиятини тушуниш учун тушунчалар моҳиятини қидириб юришига тўғри келмоқда. Ушбу масала бўйича, Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексида бўлгани каби, Солиқ кодексига “Асосий тушунчалар” деб номланган моддани киритиш мақсадга мувофиқ. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига киритилмаган солиққа оид тушунчаларга шу моддада аниқлик киритиш ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг тегишли моддаларидан шу моддага тушунчалар таърифини олиб ўтиш лозим бўлади.

Б.Даламагаснинг таъкидлашича, солиқ принциплари тенглик ва самарадорлик мезонларини ҳисобга олган ҳолда жорий этилиши ва бюджет даромадлари етарлилиги жиҳатларини акс эттириши лозим [2]. Замонавий шароитда солиқ ҳар қандай давлат тизимининг мажбурий элементи ҳисобланади. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар конституцияларида белгиланган демократик институтлар фуқароларнинг озодлиги ва ижтимоий фаровонлигини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилади. Шундай қилиб, солиқларнинг моҳияти унинг принциплари орқали яққол намоён бўлади.

Солиқ принципларини моҳияти ёритилаётганида Кодекснинг 9-моддасининг “Солиқ солишнинг аниқлиги ва солиқ органларининг солиқ тўловчилар билан ҳамкорлиги принципи” деб номланиши ўрнига “Солиқ солишнинг аниқлиги ва солиқ муносабатлари субъектларининг ҳамкорлиги принципи” деб номлаш лозим. Солиқ органлари ва солиқ тўловчилари маълум маънода солиқ муносабатлари субъектларини ташкил этади.

12-модда “Ошкоралик принципи” деб номланиб, амалдаги номланишда қайси муносабатларнинг ошкоралиги ҳақида гап боришини илғаш қийин. Одатда, биринчи ўқишда солиқ тўлов суммаларининг ошкоралиги ёки турли хўжалик субъектларининг маълумотлари ошкоралиги, яъни солиқ сирининг ошкоралиги тушунилади. Бу модда қонун ҳужжатлари ҳақида принцип эканлигини инобатга олиб, уни “Қонун ҳужжатларининг ошкоралик ва оддийлик принципи” деб номлаш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги шароитда рақамли технологияларга эътибор қаратилаётган бир шароитда солиқ тўловчи ҳам, солиқ ҳисобот ва маълумотларини қабул қилувчиларга ҳам қулайлик принципини киритиш мақсадга мувофиқ. Бунга электрон рақамли имзо, электрон ҳисобварақ-фактуралар, мурожаатлар ва бошқаларни мисол қилиб олиш мумкин. Шу боисдан, “Солиқ муносабатлари субъектлари учун қулайлик принципи”ни киритиш лозим.

Солиқлар ва солиқ муносабатлари тўғрисидаги конкрет амалий муаммоларни ўрганиш давомида биз кўп мартаба унинг энг умумий назарий масалаларига дуч келамиз. Шу муносабат билан, солиқлар ва солиқ муносабатлари тўғрисидаги фундаментал муаммоларини ишлаб чиқиш, молиявий сиёсат вазифаларини ҳал этишнинг илмий асосланиши жиддий амалий аҳамият касб этади. П.Луиджи солиқларни жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги ўрнини муҳим деб билади [3].

16-модда 1-бандида “Солиқ деганда ушбу Кодексда белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига (бундан буён матнда бюджет тизими деб юритилади) тўланадиган мажбурий беғараз тўлов тушунилади” деб таъриф берилади. Таърифда тартиб ва муддатларга алоҳида диққатни қаратиш лозим. Шунингдек, беғараз тўлов чин дилдан чиқариб бериш мазмундаги тушунчага яқин. Шу боисдан уни олиб ташлаган маъқул. Шу муносабат билан биз куйидаги таърифни таклиф этамиз: *“Солиқ деганда ушбу Кодексда белгиланган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига (бундан буён матнда бюджет тизими деб юритилади) тўланадиган мажбурий тўлов тушунилади”*.

Солиқ кодекси ва унинг таркиби ишлаб чиқишда уни амалиётда қўллаган ҳолда ва семинар-конференциялар ўтказган ҳолда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Жейсон Фьюрманнинг таъкидлашича, Солиқ кодексида ўзгаришлар фақатгина айтиш билан ҳал этилмайди, бунда ноаниқлик кучаяди ва оқибатда бюджет даромадлари даражаси харажатларга нисбатан анча паст бўлишига олиб келади [4].

Солиқ кодексининг 17-модда 2-бандида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йиғимлар белгиланиши мумкин” деб жумла мавжуд. Бу жумланинг аҳамияти кўринмайди. Унинг ўрнига 17-модданинг “Солиқларнинг ва йиғимларнинг турлари” деб номланишини инобатга олиб солиқларнинг турлари каби йиғимларнинг турларини ҳам келтириб ўтиш лозим. Модда охирида “янги йиғимларни киритиш ва уни бекор қилиб ушбу Кодекс орқали амалга оширилади” жумласини киритиш мақсадга мувофиқ.

Солиқ амалиётида бензин, дизель ёқилғисини якуний истеъмолчиларга реализация қилиш бўйича баъзи муаммолар учрамоқда. Солиқ кодексининг 283-моддаси 1-қисми 3-бандида “бензин, дизель ёқилғисини якуний истеъмолчиларга реализация қилишни, шу жумладан автомобилларга ёқилғи куйиш шохобчалари орқали, шунингдек газни автомобилларга ёқилғи куйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчилар. Ушбу бўлимни қўллаш мақсадида якуний истеъмолчилар деганда ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ҳамда газ олувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади, деб кўрсатиб қўйилган” деб белгилаб қўйилган.

Акциз солиғи янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ автомобилларга ёқилғи куйиш шохобчаларига сотилаётганда сотиш қийматига қўшилганлиги, шунингдек, автомобилларга ёқилғи куйиш шохобчаси жойлашган ердаги солиқ органига акциз солиғи иккинчи мартаба

(литр ва кубга нисбатан) ҳисобланиб, ундирилиши кузатилаяпти. Шунга кўра, акциз солиғи ҳисобланиши методига аниқлик киритиш лозим.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Солиқ кодекси билан юридик шахсларда солиқ қарздорлиги вужудга келганда уни сўндириш учун унинг банкдаги ҳисоб рақамига эътиборни қаратилиши белгилаб қўйилган. Аммо тўғридан-тўғри ҳисобрақамга қаратиш тўғри иш эмас. Ушбу маблағ унинг молиявий фаолиятини олиб бориш ва ривожлантириш учун молиявий ресурс эканлигини инобатга олиб, юридик шахсга огоҳлантириш орқали маълум бир муддатни бериш мақсадга мувофиқдир.

Солиқ органлари солиқ қарздорлигини бартараф этишда қийнаётган муаммолардан бири хўжалик субъектининг балансида асосий воситаларнинг йўқлиги бўлиб ҳисобланади. Айнан асосий воситалар йўқлиги сабабли юридик шахслар солиқ интизомига риоя этмаётганлик ҳолатлари вужудга келмоқда.

Солиқ кодексида янги киритилган тушунчалардан бири солиқларни бўлиб-бўлиб тўлашдир. Ушбу муносабатни айнан асосий воситалари мавжуд бўлган юридик шахсларга тадбиқ этиш лозим.

Солиқлар нафақат фискал, балки рағбатлантирувчи ва тақсимловчи функцияларни ҳам амалга оширади. Янги солиқ тизими корхоналар сонини ва ҳажмини ошириш, корхоналарни техник қайта жиҳозлашни рағбатлантирмайди.

Таъкидлаганимиздек, иқтисодий категория сифатида солиқнинг чуқур моҳияти иқтисодий жараёнида ўзгаришни талаб этади, турли босқичларда янги вазифалар ва намоён бўлишларни келтириб чиқарадиган янги хусусиятлар билан тўлдирилади [5].

Шундай қилиб, Солиқ кодексини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

- Солиқ кодексининг 1 бобида “Асосий тушунчалар” деб номланган модда киритиш;

- 12-моддаси номланишини “Қонун ҳужжатларининг ошкоралик ва оддийлик принципи” деб ўзгартириш;

- Солиқ кодексига “Солиқ муносабатлари субъектлари учун қулайлик принципи”ни киритиш;

- “Солиқ деганда ушбу Кодексда белгиланган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига (бундан буён матнда бюджет тизими деб юритилади) тўланадиган мажбурий тўлов тушунилади” деган таърифни киритиш;

- Солиқ кодексининг 17-моддасининг номланишинидан келиб чиқиб, унда йиғимларнинг турларини ҳам келтириш;

- автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларига сотилаётганда сотиш қийматига қўшилганлиги, шунингдек, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси жойлашган ердаги солиқ органига акциз солиғи иккинчи маротаба (литр ва кубга нисбатан) ҳисобланиб, ундирилишини инобатга олиб, акциз солиғи ҳисобланиши методига аниқлик киритиш;

- молиявий фаолиятини олиб бориш ва ривожлантириш учун молиявий ресурс эканлигини инобатга олиб, юридик шахсга огоҳлантириш орқали маълум бир муддатни бериш;
- юридик шахсларда, айниқса ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган юридик шахсларда асосий воситаларнинг балансга киритилишини таъминлаш;
- Солиқ кодексини кенг фойдаланувчилар учун тушунарли бўлишига эришиш.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 1-моддаси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й. www.lex.uz
2. Dalamagas B. et al. Revising the Conventional Tax-Effort Principle //Scottish Journal of Political Economy. – 2019. – p. 22.
3. Luigi P. et al. The Essence And The Role Of Taxes-The Principles Of Taxation //Annals-Economy Series. – 2019. – Т. 4. – p. 15.
4. Furman J. How to Increase Growth While Raising Revenue: Reforming the Corporate Tax Code //Tackling the Tax Code: Efficient and Equitable Ways to Raise Revenue. – 2020. – p. 287.
5. Ahrorov Z.O., Zaynalov J.R. Theoretical Aspects of Improving the System of Taxation. Journal of Critical Reviews. 2020; 7(7): – p. 89. [doi:10.31838/jcr.07.07.14](https://doi.org/10.31838/jcr.07.07.14)